ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
РАҚОБАТНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ВА
ИСТЕЪМОЛЧИЛАР
ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ
ҚЎМИТАСИ

Биржа иштирокчилари мажбуриятлари

Биржа савдолари жараёнида тақиқланган ҳаракатлар.

Режа :

1. Биржа савдолари иштирокчилари.
2. Биржа савдолари иштирокчилари ҳуқуқ ва мажбуриятлари.
3. Биржа фаолиятини амалга оширишдаги чекловлар (тақиқланган ҳаракатлар).



Биржа савдолари иштирокчилари.

- Биржа томонидан белгиланган тартибда биржа савдоларида иштирок этиш ҳамда дилерлар, маркет-мейкерлар ва брокерлар сифатида биржа битимларини тузиш ҳуқуқини олган **юридик шахслар биржа аъзоларидир**.

- Биржа битимларини ўз номидан ва ўз ҳисобидан тузувчи **биржа аъзоси дилердир**. Биржа товарлари нархларининг, талаб ва таклифнинг даражасини сақлаб туриш учун ўз зиммасига биржа битимларини тузиш мажбуриятини олган дилер маркет-мейкердир.



- Мижознинг топшириғига кўра ва унинг ҳисобидан биржа битимларини тузувчи биржа аъзоси **брокердир**.
- Дилер ва брокер вазифалари биржанинг битта аъзоси томонидан қўшиб амалга оширилишига йўл қўйилади
- Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари биржа аъзолари бўлиши мумкин эмас, валюта биржаси бундан мустасно.
- Биржа аъзолари биржа савдоларида уларнинг номидан биржа битимлари тузишга ваколатли бўлган ўз ходимлари (трейдерлар) орқали иштирок этади.

Биржа савдолари иштирокчилари ҳуқуқ лари

Биржа аъзолари:

- Биржа савдоларида иштирок этиш ва биржа битимларини тузиш;
- Биржа савдоси қоидаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш;
- Биржа томонидан тақдим этиладиган хизматлардан фойдаланиш;
- Ҳар бир биржа савдосининг якунлари тўғрисида ахборот олиш ҳуқуқига эга

Биржа савдолари иштирокчилари Мажбуриятлари:

- Мижозга унинг манфаатларини кўзлаб тузиладиган биржа битимлари, шунингдек унинг топшириқлари бажарилиши билан боғлиқ **тўлиқ ахборотни ўз вақтида** тақдим этиши;
- Биржага ўзларининг биржа савдоларида иштирок этганлиги ҳамда биржа битимларини тузганлиги билан боғлиқ **тўлиқ ахборотни ўз вақтида** тақдим этиши
- Мижоз билан шартнома тузаётганда уни биржа савдоси қоидалари ҳамда клиринг ва **ҳисоб-китобларни** амалга ошириш шартлари билан таништириши
- Ўз ҳисобидан ва мижознинг ҳисобидан тузилган **биржа битимларининг** алоҳида ҳисобини юритиши;

Биржа фаолиятини амалга оширишдаги чекловлар (тақиқланган ҳаракатлар).

- Биржанинг котировкалаш варағига киритилмаган биржа товарларини муомалага киритишга;
- Биржа аъзоларининг нархларнинг сунъий равишда ўзгартирилишига ёки қатъий қилиб қўйилишига олиб келиши мумкин бўлган келишилган хатти-ҳаракатларига;
- Бозор конъюнктурасини сунъий равишда ўзгартиришга сабаб бўлиши мумкин бўлган нотўғри ва атайлаб ёлғон маълумотларни тарқатишга;
- Биржа савдолари ўтказилмаган ҳолда биржа аъзолари ўртасида тузилган биржа товарига тааллуқли битимларни биржа томонидан рўйхатдан ўтказишга **йўл қўйилмайди**.

Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.



Юқори ликвидли ва монопол турдаги маҳсулотларни биржа савдолари орқали сотишда назорат қилиш асослари




Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги Қонуни *(ЎРҚ-850, 03.07.2023й.)*

Биржа савдоларини ўтказиш чоғида рақобатни чеклайдиган ёки чеклашга олиб келиши мумкин бўлган тақиқланган ҳаракатлар белгиланди



Иқтисодиёт тармоқларида биржа механизмларидан фойдаланишни кенгайтириш ҳамда биржа савдоларини тартибга солиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида *(№ПҚ-430, 24.11.2022й.)*



Товар хом ашё биржалари фаолиятига илғор ахборот технологияларини кенг жорий этиш ва электрон тижорат фаолиятини изчил ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида *(ВМҚ №170, 18.03.2020й.)*

Биржа савдоларида юқори ликвидли ва (ёки) монопол турдаги маҳсулотларни сотиш тартиби тўғрисида Низом тасдиқланган



Иқтисодиёт тармоқларида биржа механизмларидан фойдаланишни кенгайтириш ҳамда биржа савдоларини тартибга солиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида *(ВМҚ №687, 30.11.2022й.)*

Биржа савдоларида нархлар манипуляцияси, ички (инсайдерлик) маълумотлардан фойдаланиш ва асоссиз даромад олишнинг рақобатга зид бошқа усулларидан фойдаланишнинг олдини олиш Қоидалари тасдиқланган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
РАҚОБАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА
ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ
ҲИМОЯ ҚИЛИШ ҚЎМИТАСИ

Эътиборингиз учун рахмат!

2024-йил